



# Халқ сўзи

## «ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДАГИ ЭКОЛОГИК ОФАТ ОҚИБАТЛАРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли меҳмонлар! Муҳтарам конференция иштирокчилари!

“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” халқаро конференциясида иштирок этаётган Оролни кутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар делегацияларини, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, донор мамлакатлар ҳукуматлари, экология ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли олим ва экспертларни кулш менга катта мамнуният бағишлайди.

Мазкур форум Марказий Осиё минтақаси учун энг мураккаб муаммолардан бири — Орол денгизининг экологик ҳалокати ва ушбу офат оқибатида юзага келган аҳоли генофонди ва саломатлиги, турмуш шароити ва даражаси, Оролбўйининг ўсимлик ва ҳайвонот олами билан боғлиқ ўткир муаммоларни кўриб чиқишга бағишланган.

Яқин-яқин вақтларгача Орол денгизи Марказий Осиё иқтисодиётини ривожлантириш, озик-овқат ишлаб чиқариш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва барқарор ижтимоий инфратузилмани шакллантиришда муҳим ўрин тутар эди. Оролбўйи сув ҳавзаларида йилга 35 минг тоннагача балиқ овланар, Амударё ва Сирдарё дельталаридаги унумдор ерлар, юқори самарали яйлов ва сув ҳавзалари миллионлаб одамларнинг чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида иш билан бандлигини таъминлар эди.

Бирок минтақадаги йирик дарёларда ўйламасдан улкан гидротехник иншоотлар қурилган, трансчегаравий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёнинг табиий оқими нотўғри бошқарилиши энг янги тарихда Ер юзидати гоёт оғир экологик ҳалокатлардан бирини юзага келтирди. Бир пайтлар дунёдаги энг ноёб, гўзал ва йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлган Орол денгизи бир авлод кўз ўнгига батамом йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди. Бу эса минтақада мисли кўрилмаган офатга айланб, Оролбўйида яшаётган аҳоли ҳаётига, бу ердаги экотизим ва биохилма-хилликка ўнглаб бўлмайдиган даражада зарар етказмоқда.

Амударё ва Сирдарёнинг Оролга умумий қўйилиш ҳажми кейинги эллик йил ичида қарийб 5 баробар, Орол денгизининг суви 14 баробардан кўпроқ камайди, унинг шўрланиш даражаси эса деярли 25 марта ортди. Бу Орол денгизига илгари бўлган балиқ ва бошқа денгиз мавжудотларининг деярли буткул йўқолишига олиб келди.

Яқин-яқинларгача ўзининг улкан биохилма-хиллиги билан машҳур бўлган Оролбўйи минтақасида ўсимликлар ва ёввойи ҳайвонот тури кескин камайиб бормоқда, жумладан, сут эмизувчиларнинг 12, қушларнинг 26 ва ўсимликларнинг 11 тури буткул йўқ бўлиш хавфи остида турибди. Оролнинг қуриган қисми ўрнида ҳосил бўлган 5,5 миллион гектардан ортиқ майдондаги янги Оролқум саҳроси тобора бутун Оролбўйи

минтақасига ёйилмоқда. Бу ердан ҳар йили атмосферага қарийб 100 миллион тонна чанг ва заҳарли тузлар кўтарилиб, кум буронлари ва кучли шамоллар билан мазкур ҳудуддан анча олис бўлган минтақаларга ҳам тарқалмоқда.

Аммо Оролбўйида рўй бераётган фожиа кўламини, бу ерда яшаётган миллионлаб одамларнинг дарди ва орзу-армонларини куруқ рақамлар билан ифода этиб бўлмайди. Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг Орол фожиасининг кучли таъсири остида қолган минтақалари аҳолиси ҳар куни сув ресурслари етишмаслиги, ичимлик суви сифатининг пасайиши ва тупроқ таркибининг бузилиши, иқлим ўзгариши, аҳоли, биринчи навбатда, болаларнинг турли касалликларга чалиниши кўпайиб бораётгани билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларни бошдан кечирмоқда.

Орол денгизининг қуриши бутун Марказий Осиёда кескин иқлим ўзгаришига олиб келди, сув ресурслари тақчиллиги, мавсумий қурғоқчиликнинг кучайиши, қаҳрамон қишининг узок давом этиши, Помир ва Тянь-Шань тоғлари музликлари эришининг тезлашиши ва минтақа мамлакатларида қишлоқ ҳўжалиги ишлари билан шугулланиш шароитларининг ёмонлашишига сабаб бўлди.

Минг афсуски, бугунги кунда Орол денгизини тўлиқ қайта тиклаш имкони йўқлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

Орол инқирозининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган миллионлаб аҳоли ҳаётига ҳалокати таъсирини, хусусан, пухта ўйланган, аниқ манзилли ва тегишли молиялаштириш манбалари билан таъминланган лойиҳаларни амалга ошириш орқали камайтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Бизнингча, бу борада асосий заҳиралар мавжуд бўлган қуйидаги йўналишларда тегишли тадбирларни амалга ошириш зарур:

**Биринчидан** — бугунги кунда Оролбўйида юзага келган омонат экологик мувозанатни мустаҳкамлаш, чўлланни қарши курашиш, сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш, улардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш;

**Иккинчидан** — Оролбўйи аҳолисининг генофонди ва саломатлигини сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратиш, ижтимоий инфратузилмани, тиббий ва таълим муассасалари тармоғини кенг ривожлантириш;

**Учинчидан** — аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ва рағбатлантирувчи омилларни яратиш, асосий инфратузилма ва коммуникацияларни ривожлантириш. Бу ерда яшаётган аҳолида тушунлиқ кайфиятининг юзага келишига йўл кўйишга бизнинг ҳаққимиз йўқ ва уларга муносиб ҳаёт кечирishi, ўз бизнесини ривожлантириши, уларни янги иш ўринлари ва даромад манбалари билан таъминлаш учун барча имкониятларни яратиш бериш зарур, десам, ўйлайманки, бу фикрга барчангиз қўшилисиз;

**Тўртинчидан** — ҳайвонот ва ўсимлик олами биохилма-хиллигини

ни, жумладан, кичик сув ҳавзалари яратиш орқали сақлаш ва қайта тиклаш, минтақанинг ноёб флора ва фаунасини асраб-авайлаш даркор.

Айни ушбу муҳим масалалар Ўзбекистон томонидан БМТнинг юксак минбаридан таклиф этилган ва БМТ Бош Ассамблеяси 68-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилган “Орол денгизи қуришининг оқибатларини бартараф этиш ва Оролбўйида экотизимлар ҳалокатининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури”да қайд этилган.

Бу жаҳон ҳамжамияти Орол денгизи фожиасига глобал экологик офат сифатида қараётгани ва миллионлаб одамлар яшаётган ушбу минтақанинг экологик ва ижтимоий хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиш масаласига зудлик билан эътибор қаратиш гоёт долзарб эканини эътироф этаётганидан далolat беради.

БМТ ва ривожланиш бўйича бошқа ҳамкорларимиз 1993 йил БМТ ва Марказий Осиёнинг беш давлати томонидан ташкил этилган Оролни кутқариш халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаётгани ҳам бунни тасдиқлайди. Утган даврда мазкур жамғарма халқаро донорлар ҳамжамияти ёрдамида Орол денгизи ҳавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича умумий қиймати 2 миллиард доллардан зиёд бўлган иккита дастурни амалга оширди.

Шу муносабат билан минтақа давлатлари ва Оролбўйи аҳолиси олдига турган кескин муаммоларни ҳал этишда ёрдам кўрсатаётган институтлар ва ҳамкор мамлакатларга миннатдорлик билдиришга руҳлат бергайсиз. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, БМТ агентликлари, Ислom тараққиёт банки, ЮСАИД, Европа иттифоқи, шунингдек, Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия, Франция, Швейцария, Кувайт ва бошқалар бизнинг ана шундай фаол ҳамкорларимиз ҳисобланган.

Оролни кутқариш халқаро жамғармаси 2013 йилдан буён БМТ, Европа иттифоқи, етакчи халқаро ташкилотлар ва молия институтлари кўмагида Орол денгизи хавзасидаги мамлакатларга ёрдам кўрсатиш бўйича уч юздан зиёд лойиҳадан иборат учинчи дастурни амалга оширмоқда. Бу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 8,5 миллиард доллардан зиёд маблағни жалб қилиш зарур.

Айни пайтда биз шуни оқич тан олишимиз керакики, бу борада амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурларга қарамадан, ҳали яна кўплаб ишларни бажариш талаб этилади. Минтақа мамлакатлари Орол денгизи ҳалокатининг атроф-муҳит ва бу ерда яшаётган аҳоли ҳаёти ва фаолиятига етказиётган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар оқибатларини бартараф этиш учун етарлиқ маблағ ва моддий-техник имкониятларга эга эмас. Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, бошқа халқаро ташкилотлар ва ривожланиш бўйича ҳамкор давлатларнинг самарали амалий ёрдамисиз дунё миқёсидаги ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди.

Орол денгизи фожиасининг кенг

қўлам касб этган оғир оқибатлари Оролбўйи аҳолиси, ушбу ҳудуднинг иқтисодиёти, ижтимоий соҳа ва атроф-муҳитига таҳдид солаётган кўплаб хавф-хатарларини самарали бартараф этишга қаратилган янги, кенг қамровли ёрдам дастурини ишлаб чиқишни талаб этади.

Оролбўйи минтақасига ёрдам кўрсатиш бўйича бундай комплекс дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, аввало, халқаро ташкилотлар — БМТ, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислom тараққиёт банки каби молия институтлари ва нуфузли халқаро экология ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутиши керак. Бу мазкур дастурни ҳаётга татбиқ этишга нафақат халқаро ташкилотлар ва молия институтлари ресурслари, балки бизга дўст ва ҳамкор мамлакатлар имкониятларини ҳам жалб этишга кўмак беради.

Оролни кутқариш халқаро жамғармасига аъзо бўлган деярли барча мамлакатлар Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари каби суви тежаш, Оролбўйини қайта тиклаш ва ривожлантириш бўйича миллий дастурларни амалга оширмоқда. Сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш принциплари, суви тежайдиган замонавий технологиялар кенг жорий қилинмоқда, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришини диверсификация қилишга доир ва бошқа кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оролбўйида аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, тураржой, ижтимоий ва транспорт-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ жойлар ва замонавий уй-жойлар, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳўнара коллежлари, врачлик пунктлари барпо этиш, автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга оид дастурлар амалга оширилмоқда.

Ишончим комилки, Оролбўйи ва унинг аҳолиси тақдирини таъшишга тушаётган давлатлар, БМТ тузилмалари, халқаро молия ва экология ташкилотларининг аниқ мақсадли, кўп қиррали ва тизимли ўзаро ҳамкорлиги Оролбўйи минтақасининг энг кескин муаммоларини ҳал этишга қаратилган амалий дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш имконини беради.

Хурматли халқаро конференция иштирокчилари!

Орол денгизи қуришининг ҳалокатли оқибатларини чуқур тушуниб, Оролбўйи экотизимини кутқариш ишига қўшаётган салмоқли хиссангиз учун сизларнинг барчангизга самимий миннатдорлик изҳор этишга ийозат бергайсиз.

Конференция иши самарали бўлишини, унинг барча иштирокчиларига эса сийхат-саломатлик, олижаноб фаолиятига улкан муваффақиятлар тилайман.

Чуқур ҳурмат билан,

**Ислom КАРИМОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти,**  
**Оролни кутқариш халқаро**  
**жамғармаси раиси.**



Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан Урганч шаҳрида 28-29 октябрь кунлари “Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

## Мусаффо табиат, аҳоли саломатлиги ва фаровонлиги — пировард мақсад



Унда БМТ, ШХТ, Марказий Осиё учун превентив дипломатия бўйича минтақавий марказ, Ер ости сув ресурсларини баҳолаш халқаро маркази, Осиё тараққиёт банки, Ислom тараққиёт банки, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, ОПЕК сингари тузилмалар ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари раҳбарлари ҳамда вакиллари, АКШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Венгрия, Франция, Германия, Испания, Швейцария, Австрия, Малайзия, Латвия каби ўттизга яқин мамлакатлардан олимлар, мутахассислар, экспертлар, экологлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатлар иштирок этди.

Анжуман Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича мамлакатимизда олиб борилатган чора-тадбирлар ва уларнинг самаралари билан таништириш, ушбу муаммонинг олдини олишда ўзаро ҳамкор-

ликни ривожлантириш, тажриба алмашини масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Оролни кутқариш халқаро жамғармаси раиси Ислom Каримовнинг халқаро конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ўқиб эшиттирди.

БМТ Бош котиби Пан Ги Мун ўз видеомурожаатида дунёдаги кенг қўламли антропоген ҳалокатлардан бири, деб эътироф этилган ва миллионлаб аҳоли ҳамда атроф-муҳитга катта зарар етказиётган Оролбўйи минтақасидаги экологик бўҳрон муаммолари муҳокамасига бағишланган ушбу халқаро конференцияни ўтказиш мурҳимлигини таъкидлади.

Маълумки, Орол денгизи ҳавзаси ҳудуди бешта давлат — Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистонни қамраб олади. Минтақадаги икки йирик дарё — Амударё ва Сирдарё Марказий Осиёнинг трансчегаравий

сув томирлари бўлиб, улар Орол денгизига қўйилади. Бу ерда 66 миллиондан зиёд аҳоли яшайди.

Ана шу денгиз бир авлод умри давомида завол топгани ҳеч кимга сир эмас. Ваҳолонки, ў қачонлардир дунёдаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларидан бири бўлиб, майдони 70 минг квадрат километрга, обҳаёт ҳажми эса 1080 куб километрга тенг эди. Утган асрнинг 60-йилларигача Орол минтақа ҳаёти, иқтисодий тараққиёти, яхлит ижтимоий инфратузилмаси шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнаган. Уша пайтларда Оролбўйидаги ҳавзадан йилга 35 минг тонна балиқ тутилар, маҳаллий аҳолининг катта қисми балиқ ва балиқ маҳсулотларини овлаш, қайта ишлаш, етказиб бериш билан шугулланарди. Амударё ва Сирдарё бўйларидаги серҳосил ерларда қишлоқ ҳўжалиги экинлари етиштириш, чорвачилик ва паррандачилик учун барча шароитлар мавжуд эди.

(Давоми 2-бетда).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар.

фаолияти субъектларининг ўзаро муносабатлари, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестициялар, инвестиция жамғармалари, инвестиция фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг кафолатлари каби ҳуқуқий тушунчаларни белгилаб беришчи моддалар, бошқа нормалар сезиларли равишда кенгайтирилди.

Мажлис Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган янги таҳрирдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошланди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳ ўндан ортиқ тадбир ўтказди. Тадбирларда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатиндан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари фаол иштирок этидилар. Улар томонидан депутатлар, экспертлар, олимлардан тушган барча таклифлар кўриб чиқилди. Ҳар томонлама ва модда-модда муҳокама якунларига кўра, Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди. Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилди.

Ушбу ҳужжат ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг инвестиция жараёнини яхшироқ шартларда амалга оширишга интилишини кучайтиришда, олдига қўйган мақсадага эришишга интилишини кучайтиришда.

(Давоми 2-бетда).

## ХАЛҚАРО ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ АНЖУМАНИ

Тошкентда Халқаро гимнастика федерацияси 80-конгресси бошланди.

Президентимиз Ислom Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли мамлакатимиз ёшлари онг-шурини она-Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари шаклланиб, уларнинг халқаро майдонларда Ўзбекистон номини урғулашга бўлган иштиёқ ҳамда интилишлари тобора юксалиб бормоқда. Турли халқаро мусобақалар, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ва Олимпия ўйинларида ва-

килларимизнинг зафар кучиб, мустанқил юртимиз шўхратини дунёга ёйишга ҳисса қўшаётгани бунинг ёркин далилидир.

Бугунги кунда Халқаро гимнастика федерацияси 140 дан зиёд миллий федерация аъзо. Конгрессда саксондан ортиқ мамлакатдан 240 га яқин делегат қатнашмоқда.

Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифонининг фахрий президенти Л. Каримова-Тиллаева, Халқаро гимнастика федерацияси президенти, профессор Б. Гранди ва бошқалар Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қарати-

лаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Бугун нафақат шаҳарларда, балки олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуаларида кўзингиз тушади. Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича уч босқичли тизим шакллантирилди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айни вақтда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди.

Гимнастиканинг барча турлари ушбу вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди. Негаки, мазкур спорт тури билан шугулланиш нафақат инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантиради, балки унинг феъл-атвори, энг яхши фазилатларини ривожлантиради, иродасини чиниқтиради, олдида қўйган мақсадага эришишга интилишини кучайтиришда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг омаллаштириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда. Халқаро гимнастика федерацияси саксонинчи конгресси Ўзбекистонда ўтказилар ётгани ҳамда катта маъно бор. Бу мамлакатимизда спорт, хусусан, гимнастикани ривожлантиришга қаратилаётган эътибор-

нинг яна бир эътирофидир.

Ушбу ҳужжат ҳўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг инвестиция жараёнини яхшироқ шартларда амалга оширишга интилишини кучайтиришда, олдига қўйган мақсадага эришишга интилишини кучайтиришда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).



АКАДЕМИК ВАХОБ РАҲИМОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоллик учради. Геология ва кончилик соҳасидаги йирик олим, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Ваҳоб Раҳимов 80 ёшида вафот этди.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Тажрибадан маълумки, аниқ ва пухта режа асосида бошланган иш пировардида самарали яқун топади. Юртимизда газ, сув, иссиқлик таъминоти, умуман, коммунал соҳада бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир.

Аниқ йўналтирилган лойиҳалар

— Ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун тизимда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди, — дейди «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқарма бошлиғи Акмал Эшонқулов. — Гап шундаки, ўтган йилнинг қиш фаслида республикамиз ҳудудига аномал совуқ ҳавонинг кириб келиши, суюлтирилган газ таъминоти инфратузилмаси етарли даражада эмаслиги туфайли газ тақсимлаш қувурларининг айримлари ва иншоотларнинг баъзиларида узилишлар содир бўлган эди.

аҳолига куз-қиш мавсумида газ етказиб бериш ишларини янада яхшилашга хизмат қилади

Хоразм вилоятларида транспорт воситасининг етишмаслиги, Бухоро ва Навоий вилоятларида станцияларнинг камқувватлиги боис аҳолини газ билан таъминлашда узилишлар рўй берганди. Жорий мавсумда бунинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси томонидан суюлтирилган газ таъминоти инфратузилмасини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди.

сақлаш ва тарқатишга ихтисослаштирилган 21 сервис маркази ташкил этилмоқда. Бу ҳам истеъмолчиларга қулайлик яратиши, шубҳасиз. Яна бир эътиборли жиҳати, тизимда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланилаётгани аҳоли ва хизмат кўрсатувчи ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этапти.

Қисқа сатрларда

- Тошкент темир йўл муҳандислари институтида «Янги нигоҳ» видеороликлар танлови яқунлари юзасидан конференция уюштирилди.
Бухоро вилояти ИИБ патруль-пост хизмати батальонининг реконструкция қилинган биноси фойдаланишга топширилди.
Навоий шаҳрида «Навоий инвест пласт» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

- Анорганик, аналитик ва физик-коллоид кимё кафедраси бўйича: доцент — 1;
Токсикологик, органик ва биологик кимё кафедраси бўйича: ассистент — 1;
Фармацевтик кимё кафедраси бўйича: доцент — 1;
Фармакогнозия кафедраси бўйича: кафедра муdiri (фан доктори), ассистент — 1;
Дори воситаларининг саноат технологияси кафедраси бўйича: кафедра муdiri (фан доктори ёки фан номзода), профессор — 1, ассистент — 1, доцент — 1;
Дори турлари технологияси кафедраси бўйича: профессор — 1, доцент — 1, ассистент — 1;
Фармакология ва клиник фармация кафедраси бўйича: доцент — 1, ассистент — 1;
Тиллар кафедраси бўйича: кафедра муdiri (фан доктори ёки фан номзода), катта ўқитувчи (лотин тили) — 1, катта ўқитувчи (инглиз тили) — 1, катта ўқитувчи (рус тили) — 1;
Ижтимоий фанлар кафедраси бўйича: катта ўқитувчи (маънавият асослари) — 1, катта ўқитувчи (социология) — 1, катта ўқитувчи (диншунослик) — 1, катта ўқитувчи (психология) — 1;
Фармацевтика ишини ташкил қилиш кафедраси бўйича: доцент — 1, ассистент — 1;
Экология ва микробиология кафедраси бўйича: кафедра муdiri (фан доктори ёки фан номзода), катта ўқитувчи — 1;
Биотехнология кафедраси бўйича: доцент — 1, ассистент — 1;
Фармация кафедраси бўйича: катта ўқитувчи — 1.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сон қарорига мувофиқ, «Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низоми талаблари асосида ўтказилади.

Танлов муддати — эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 45-уй.
Телефонлар: (0-371) 256-37-38, 256-38-50.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ балансидagi куйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:
«Elite Stars Textile» МЧЖ — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дустилик кўчаси, 55-уй.
«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.
«Хоразм shisha idishlari» МЧЖ — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
Корхона манзили: Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоийат қишлоғи.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

Аукцион савдосига Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 2014 йил 24 октябрдаги 01-01/2117-3-сонли бюрютма хатига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Окқўрғон кўчаси, 2-уйда сақланаётган, «Дамас» русумли, давлат рақами 01/323ДСА бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 7 726 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 декабрь куни соат 12.00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 1 декабрь куни соат 18.00.
Савдо қолиби деб топилган шахсга 15 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуҳаси, вақилар учун ишончнома тақдим этилади.
Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг АИТБ «Ипак йўли банки» «Сағбон» филиалидаги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.
Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.
Гувоҳнома №006231.

ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ХУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ХЎЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоъларини танлов асосида қабул қилади.
Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа гоълари ва уларнинг лойиҳа хўжжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.
Танлов куйидаги йўналишларда олиб борилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.
Танловга инвестициявий жозибдорликка ва саноат соҳасида таътиб этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда, махсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи гоълар қабул қилинади.
Фонд энг истиқболли ва жозибдор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағларининг ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.
Танловда лойиҳа гоъларини ҳамда улар буйича лойиҳа хўжжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш учун куйидаги хўжжатларни тақдим этиш лозим:
ариза (намуна буйича);
инвестиция таклифи (намуна буйича);
инвестиция таклифи паспорти (намуна буйича).
Хўжжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.
Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.
Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com
Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.
Мўлжал: «Истиклол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

«КО'Р ТАРМОҚЛИ КО'СНМАС МУЛК САВДО» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 2014 йил 12 сентябрдаги 10-1307/7167-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 49-уйда жойлашган, умумий майдони 4926 кв.м.дан иборат савдо-маиший мажмуаси кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 1 600 000 000 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 3 декабрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.
Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АИТБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.
Кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хўжжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.
Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.
Хизматлар лицензияланган.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Фарғона вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.
1. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик сундининг 2013 йил 30 сентябрдаги 15-13-05/15533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Ибн Сино кўчасида жойлашган ошхона ва чойхона бино-иншоотлари тақдоран кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 280 221 157 сўм.
2. Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти хўжалик сундининг 2013 йил 30 сентябрдаги 15-13-05/15533-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ўзбекистон тумани, Ибн Сино кўчасида жойлашган клуб бино ва иншоотлари тақдоран кўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 986 991 501 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 17 ноябрь куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 15 ноябрь куни соат 18.00.
Савдога қўйилган мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вақили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиалининг ДТ Халқ банки Фарғона вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609011. МФО: 00497, СТИР: 207122519.
Манзил: Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғинойий кўчаси, 35-уй.
Тел.: (0-373) 244-46-39, 244-46-22.
www.1kms.uz. rieltsavdo@inbox.uz.
Хизматлар лицензияланган.

## «Унутма мени»

Германиянинг Хемниц шаҳрида бўлиб ўтган «Шлингел — 2014» фестивалида эллиқдан зиёд мамлакат киноижодкорларининг болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган 130 дан ортқ бадий, қисқа метражли ҳамда анимацион фильмлари намойиш этилди.

## ЭЪТИРОФ

Унда ҳамюртимиз Қамара Камоловнинг «Унутма мени» бадий фильми «Томошабин эътирофи» номинацияси совриндори бўлди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида «Шод» студияси томонидан суратга олинган ушбу фильмда болаликнинг беғубор ва завкли онлари ҳақида ҳикоя қилинади. Ёшлик хос қувноқ ҳамда жўшқин воқеаларни акс эттирган картина халқ-

аро кинофестиваль иштирокчилари ва ҳакамлар ҳайати томонидан илиқ кутиб олинди. Кинода Малика Иброҳимова, Тохир Миралиев сингари таниқли актёрлар билан бирга, Севинч Абдурахимова, Зебо Шарипова, Рашид Рустамов каби ёш иктидор соҳиблари ҳам асосий ролларни ижро этишган.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

## «Куз баҳори»

Ўзбекистон Бадий академияси Иқю Хираяма номидаги Халқаро маданият карвонсаройида расом Юрий Гребенюкнинг «Куз баҳори» деб номланган ижодий ишлар кўргазмаси очилди.

## КЎРГАЗМА

Соғлом бола йилига бағишланган ушбу тадбирда муаллифнинг қатор мавзулардаги энг сара асарлари намойиш этилмоқда.

— Гарчи юртимизда олтин куз кезаётган бўлсада, унинг баҳор табиятига монанд ўзига хос ҳавоси, майин шабодаси кишини энтиктиради, айниқса, боғу гулзорларнинг таровати ўзгача, — дейди ижодкор. — Мен табиятнинг бундай жозибаси, гўзаллигини асарларимда ифодалашга ҳаракат қилганман.

Таъкидлаш керакки, ҳозир расомнинг кўплаб асарлари Англия, Япония, Ҳиндистон, Венгрия, Германия, Швейцария, Италия, Испания, Хитой, Греция, Голландия, Франция каби мамлакатларнинг музейлари ва шахсий коллекцияларда сақланмоқда.

Кўргазма 5 ноябргача давом этади.

Кумушбиби ЭРМАМАНОВА.

## Меҳр-оқибат тараннуми

Қўқон шаҳар мусикали драма театри репертуари «Жон десанг, жоним берай» деб номланган янги спектакль билан бойиди.

## ТЕАТР

Драматург Хайитмат Расул қаламига мансуб ушбу асарда меҳр-оқибат, миллий қадриятлар тараннум қилиниши баробарида, санъаткорлар ва санъатни улугловчи инсонларнинг ҳаёти акс эт-

тирилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мадаминжон Жўраев сахналаштираган мазкур мусикали асар томошабинларга гоёта манзур бўлмоқда.


Моҳира АДИЗОВА.



## ҚАДРИЯТ

Ўзбек гиламлари, атласу адраслари, бири-бирини тақрорламайдиган сўзаналари, мискарлигу заргарлик буюмлари юртимиз хунармандларининг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ижод маҳсулидир. Пойтахтимиздаги Ўзбекистон амалий санъати музейи ана шундай ноёб дурдоналар жамланган маскан. Бу ердаги кўргазма экспонатлари қаторидан жой эгаллаган ҳар бир буюм моҳир хунармандларимизнинг ноёб истеъдодини кўз-кўз этади, гўё.

Яқинда бу ерда «Гўзалликнинг яратилиши» деб номланган гиламлар кўргазмаси иш бошлади. Эътиборли томони шундаки, тадбир асосида маргилонлик хунармандлар иқтидорининг яна бир қирраси — гиламдўзлик маҳоратидан ҳам воқиқ бўласиз.



## Гўзалликнинг яратилиши

Умуман, муассасамизда мамлакатимизнинг сўнгги уч асрлик тарихидан ҳикоя қилувчи 7,5 мингга яқин экспонат жамланган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий санъатининг ноёб дурдоналари саналади. Бу ерда миллий матола, каштачилик намуналари, кулоллик, чинни буюмлари, миллий чолғу асбоблари, чиггарлик, ёғоч ўймакорлиги, зардўзлик, личқозсоғлигу қандакорлик санъати намуналари алоҳида павильонларга жойлаштирилган бўлиб, у нафақат юртдошларимиз, балки пойтахтимиз-

га ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларнинг ҳам эътиборини ўзига жалб этиб келмоқда.

Бинобарин, мустақиллик шарофати билан ушбу масканда халқимизнинг тарихи, маданияти, санъати ва қадриятлари ҳолисона акс этирилди. Улар аждодларимизнинг меросини тарғиб қилувчи, бизни узоқ йиллик илдизларимиз билан боғловчи, шунингдек, бугунги тараққиётни ўзида акс эттирувчи бой маънавий хазинага айланди. Айни пайтда бу ерда деярли ҳар куни юзлаб меҳмонлар билан бир қаторда, Камолид-

дин Беҳзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти, Республика расомлик коллежининг талаба ҳамда ўқувчилари ташриф буюришади. Улар иштирокида ташкил этилаётган маҳорат дарслари, кўргазмалар машғулотлар, ўқув-услубий анжуманлар эса навқирон авлоднинг миллий қадриятлар ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Машғулотлар давомида музей ходимлари, санъатшунослар ҳар бир экспонат тарихи, уларнинг ўзбек хунармандчилиги санъати-

да тутган ўрни, қайси минтақага хошлиги ҳақида тўлиқ маълумот берадилар. Қолаверса, қизиқувчилар хунармандлар иштирокидаги маҳорат сабоқларидан ҳам баҳраманд бўлиб, бевосита амалий жараёнларда иштирок этиш имкониятига эгадирлар.

Муассасамиз АҚШ, Малайзия, Миср, Германия, Франция сингари кўплаб давлатлардаги музейлар билан ҳам ижодий ҳамкорлик қилади. Ушбу давлатларда уюштирилаётган «Ўзбек амалий санъати дурдоналари» кўргазмалари эса миллий қадриятлари-

миз даражасига кўтарилган халқ амалий санъати, маданияти, тарихи ва урф-одатини намойиш этишда муҳим манба бўлиб келапти. Шунингдек, мамлакатимизга ташриф буюраётган сайёҳларнинг амалий санъатимиз, халқ хунармандчилиги тарихига қизиқлигини орттирмоқда.

«Гўзалликнинг яратилиши» кўргазмасида гиламнинг жун, пат, қоқма турлари намойиш этилаётди. Уларни томоша қилиб, музейлар халқининг асрий маданият дурдоналарини сақловчи маскан эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилгасиз.

Зухра ХОЛИҚОВА, санъатшунос.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## Очиқ мулоқот ва янги кўникмалар

Пойтахтимизда давом этаётган «Infolib — 2014» учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги ҳақиқий маънода китобсеварлар байрамига айланиб кетди. Унинг доирасида қатор таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари, ижодкорлар, ота-оналар, маънавий-маърифий соҳа ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яратилган замонавий шарт-шароитлар, бу ерда сақланаётган нодир кўлэмалар, адабиётлар билан яқиндан танишмоқдалар.

## ТАДБИР

Миллий ҳафталикнинг учинчи куни Мовароуннахр маданиятининг юксалишида аждодларимизнинг ақл-заковати, илмий-маданӣ меросининг тутган ўрнига бағишланган тадбир билан бошланди. Шунга қўра билан айта оламизки, ўтмишда яшаб, ижод қилган улуг мутафаккирларимизнинг ибратли ҳаёти, илм-фан ривожини йўлидаги оламшумул кашфиётлари ҳамон жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Чунинчи, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва ахамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда дунё олимлари томонидан аждодларимизнинг илм-фан соҳасидаги улкан ютуқлари ҳозирги кунда ҳам замонавий тараққиётнинг муҳим омил

бўлиб келаётгани алоҳида эътироф этилди. Тадбирда таъкидланганидек, буюк аждодимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий замонавий

да илм-маърифат осмониди бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаган Мирзо Улуғбек эса жаҳон илм-фанини юксак чўққиларга кўтарди.



Боштиқер АҚРАМОВ олган сурат.

математика, тригонометрия ва география фанларининг тараққиётини белгилаб берди. Улуғ қомусий алломаларимиз Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий ҳамда Темурийлар даври-

шу билан бирга, қайд этиб ўтилдики, бугунги кунда таълимнинг барча босқичларида ёшларимиз бобокалонларимизнинг илмий-маънавий меросини кўнгил билан ўрганмоқдалар. Илмий тадқиқот муассасаларида уларнинг теран

асарлари устида изланишлар олиб борилапти.

— Мазкур тадбирда дунёга машҳур аждодларимизнинг ҳаёти, илмий фаолияти тўғрисида қимматли маълумотларга эга бўлди, — дейди Самарқанд давлат университети қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Шаҳноза Холмуродова. — Бу, шубҳасиз, биз, ёшларда катта фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди.

Бундан ташқари, ёшларимиз болалар учун комикслар яратиш, корвинг, оригами санъати бўйича маҳорат дарслари, шахмат ва шашка турнирида илм-маърифат, касб-хунар, спорт сирларини мукаммал эгаллашганликларини намойиш этишди.

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талабларининг бажарилишига бағишланган тренингда юртимизда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги ҳақида сўз борди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси талаблари, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари назарда тутилган мақсад ва вазифалар ҳаётга изчил жорий этилапти.

Умуман, миллий ҳафталик доирасидаги барча тадбирлар очик мулоқот руҳида ўтиб, улар орқали ёшларимиз ўзларига керакли кўникмаларни эгаллаб боришапти.

Дилмурод СОДИҚОВ.

## Маҳаллада сунъий қопламали стадион

Янгиер шаҳридаги Маърифат маҳалласида яшовчи ҳаваскор футболчилар энди стадион излаб узоққа бормайдиган бўлишди.

## ҚУЛАЙЛИК

Гап шундаки, ёш тадбиркор Сарвар Обидов саъй-ҳаракати билан қаровисиз ер обод қилиниб, бу ерда бир йўла иккита сунъий қопламали футбол майдони ташкил этилди. Эътиборлиси, спорт иншоотида замонавий ёритиш тизими ўрнатилгани ишқибозларнинг кечки пайтда ҳам бемалол семимли ўйинлари билан машғул бўлишларига имкон яратмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## «Қибрай»

Клиник санаторийси юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сикатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар таълимнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейни ва жакузи ванналар мавжуд.

Сикатгоҳда футбол, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар яратилган. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

## Манзилимиз:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўرғони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автobус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин. Тел.: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



## «OHAUS» тарозилари Ишончли Аниқ

Кенг танлов  
www.fortek.uz

Махсулот сертификатланган.



Тел.: (+998 71) 268-57-20, 268-57-50.

e-mail: office@fortek.uz

Факс: (+998 71) 267-71-90.

web: www.fortek.uz

## VEGA Certification

Сертификатлаштириш органлари ва синов лабораторияларини автоматлаштириш



Талабномадан сертификатни нашр этгунча автоматлаштириш

Ҳисоботлар Вактни тежаш МТХ билан тез ишлаш

Барча ҳуқуқлар химояланган.

Тел.: (+998 71) 268-59-64, 268-59-65. Факс: (+998 71) 267-71-90.

e-mail: info@vega.uz web: www.vega.uz

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси жамоаси қўмитанинг собиқ ходими, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими

Насрулло Ҳикматуллаевич ХОЛМИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Трансмаҳсуқури-лиш» уюшмаси жамоаси бошқарув раиси Шомурод Шофайзиева падари бузрукворни ШОМУҲСИН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

WWW.XS.UZ

Ўзбекистон давлат консерваториясида халқ чолғулари бўйича «Она юрт оханлари» деб номланган халқаро танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1067. 75 792 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Ўзлонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева. Навбатчи — Ф. Абилов. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5